ЁШЛАРДА ҒОЯВИЙ ИММУНИТЕТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Гулистон Омонтурдиевна Машарипова
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси
E-mail: gulistan777@list.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантириш масалаларининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилади. Жумладан, ёшларда ғоявий иммунитетни мустаҳкамлаш учун оила, жамоа ва жамиятда улар тарбиясига асосий эътибор қаратиш лозимлиги назарий жиҳатдан асосланади. Манбаларга таянилган ҳолда концептуал ғояларга муносабат билдирилади. Бугунги турли таҳдидларнинг мавжудлиги шароитида ёшларда ғоявий иммунитетни мустаҳкамлаш учун ватанга ва халққа муҳаббат ҳиссини сингдириш лозимлиги масалалари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Ёшлар, ғоявий иммунитет, ватанпарварлик, тарбия, оила, жамоа, жамият, демократия, таҳдидлар, терроризм, креатив тафаккур.

ISSUES OF DEVELOPMENT OF IDEOLOGICAL IMMUNITY IN YOUNG PEOPLE

Guliston Omonturdievna Masharipova
Teacher of National Institute of Art and Design named after Kamoliddin Behzod
E-mail: gulistan777@list.ru

ABSTRACT

The article examines some aspects of the formation of ideological immunity in young people. In order to strengthen ideological immunity, in particular, it theoretically substantiates the need to focus on the education of young people in the family, in the team and in society. The attitude towards conceptual ideas is expressed on the basis of scientific analysis of sources. In the context of existing threats, the author analyzes the issues of the need to educate young people a sense of love for the Motherland and the people.

Keywords: youth, ideological immunity, patriotism, education, family, collective, society, democracy, threats, terrorism, creative thinking.

КИРИШ

Истиқлол жамиятимиз аъзолари, жумладан ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий камолоти учун шарт-шароит яратиб, жамиятнинг келажак тараққиётини таъминловчи куч бўлган ёшларнинг ғоявий-маънавий янгиланишида ҳам зарурий омилдир. Фуқаролик жамияти шароитида демократик тафаккурнинг ривожи боис, кузатилаётган маънавий ва ижтимоий-маданий ўзгаришлар ёшлар онгида ижобий дунёқарашни ривожлантирмоқда. Истиқлолнинг қўлга киритилиши туфайли ҳамда миллий тафаккурнинг ривожи боис ёшларда жамиятдаги ижобий ўзгаришларга нисбатан оптимистик кайфиятлар ривожланмоқдаки, бу уларда ғоявий иммунитетнинг устуворлигини таъминламоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳар бир ижтимоий-тарихий даврда ёшлар муаммоси, маънавиятини юксалтириш, ижтимоий ҳаётда ёшлар иштирокини фаоллаштириш, жамиятда ёшларнинг ўрни, уларда ахлоқий қирраларни ривожлантириш каби масалалар тадқиқига бағишланган бир қатор ишлар қилинган. Жумладан, З.Бўриева ва А. Иброҳимовлар ёшларнинг демографик ҳолати ва оила масаларига бағишланган мақолаларида бугунги шароитда ёшлар миқдор жиҳатидан тез ўсиб келаётганлиги, улар тарбиясига асосий эътибор қаратиш лозимлигига урғу бериб. ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи, турмуш тарзи, ҳуқуқий маданияти, ёшларнинг демократия ва демократик қадриятларга муносабати, мафкуравий таҳдид шароитида ёшлар тарбияси масалаларига тўхталади. Н. Латипова эса ўз тадқиқотида Ўзбекистон жамияти ижтимоий тизимида ёшларнинг тутган ўрни, Н.Назаров ўзининг тадқиқотида миллий мустақилликни қўлга киритгач, Ўзбекистон олимлари томонидан тарихий қадриятларга муносабат масаласи тубдан ўзгарганлиги, тарихий онгни юксалтириш орқали уларда ғоявий иммунитетни мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратади. Г.Ғаффарова ва М.Н.Абдуллаевалар ўзларининг тадқиқотларида жамият аъзолари, жумладан ёшларда меҳр ва муҳаббат туйғусини ривожлантириш орқали жамиятнинг маънавий тараққиётини таъминлаш мумкинлиги ғояларини илгари сурганлар[4; 14-15]. Шунингдек, жамият аъзолари маънавиятини юксалтириш масалалари, жумладан одоб, тарбия ва ахлоқий қирраларни ҳамда ғоявий иммунитетни ривожлантириш масалаларига бағишланган. С. Файзиев ва Норматовлар ёшларнинг жамиятдаги мавқеи, жамият социал структурасида уларнинг ўрни, ёшлар таълими ва тарбияси, ёшлар шахсини шакллантиришда тарбиянинг ўрни, жамиятнинг

ижтимоий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлашда ҳамда илмий-техникавий тараққиёт шароитида ёшлар, турли таҳдидлар, жумладан террористик кучларнинг мавжудлиги шароитида ёшларда ғоявий иммунитетини ривожлантириш масалалари илгари сурилган.

НАТИЖАЛАР

Фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланаётган бугунги кунда ёшларимиз Президент асарларини мутолаа қилиш орқали миллий мустақиллик ғояларига содиқликни ривожлантиришнинг зарурийлиги асосланган. Мутафаккирларимиз ва аждодларимизнинг асарлари ҳам ёшлар ахлоқида ўзликни англаб мустақиллик ғояларига содиқликни таъминлашга хизмат қилаётганлигини эътиборлидир.

Республикамиз ўқув юртлари ва оммавий ахборот воситалари ҳам тарбиявий тарғибот ва ташвиқот ишлари орқали мустақиллик ғояларига содиқлик ҳиссини ривожлантиришга янада ҳисса қўшиши лозимлиги муҳим. Ёшлар онгида бунёдкор ғоялар устуворлигини таъминлаб, ёт ғояларга қарши иммунитетнинг барқарорлигига имконият яратиш зарурий аҳамият касб этади.

МУҲОКАМА

Бугунги кунда ижтимоий-маданий, сиёсий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий омилларнинг таъсири туфайли ёшларда миллий тафаккур янгича мазмун касб этмоқда. Ушбу жиҳатлар жамиятда эҳтимол тутилаётган ҳар қандай хуружларга қарши ёшлар онгида кучли иммунитетни ривожлантирмоқдаки, бу глобал тараққиёт жараёнида турфа таҳдидларнинг кириб келиш эҳтимоли мавжудлиги шароитида уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш билан бир қаторда, ғоявий-сиёсий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаш муҳим. Шу боис, ёшларга ишонч, уларни келажакнинг бунёдкорлари сифатида қараш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, эътибор қаратилаётганлиги қувонарлидир. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда: «Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз» [2; Б. 491].

Креатив фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаси экан, бунинг учун зиёлиларимиз зиммасидаги асосий вазифа – ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантириб, фуқаролик жамияти институтлари шаклланаётган ҳозирги шароитида Ватан учун фидойи ёшларни тарбияламоқ лозим. Шу сабабли фуқаролик жамияти шароитида ёшлар ва уларда ғоявий иммунитетни ривожлантиришнинг назарий-методологик асосларини бугунги куннинг реал воқеълиги асосида тадқиқ этиб, ёшларнинг маънавий-ахлоқий ривожини янада юксалтирувчи таклиф ва тавсияларни илгари суриш муҳим. Чунончи, бугунги жадал тараққиёт шароити давлат миқёсида баркамол авлодга эътибор қаратилиб, қатор тадбирлар ишлаб чиқилаётганлиги ёшларнинг маънавий баркамоллигини таъминлаб, уларда ғоявий иммунитетни ривожлантириш объектив зарурият сифатида муҳим эканлигини кўрсатиб, унинг концептуал асосларини яратишни кун тартибига қўймоқда.

Миллий истиқлол туфайли шаклланган демократик тафаккур жамият аъзолари, хусусан ёшларга янги имкониятларни вужудга келтириб, ўзига хос масъулиятни ҳам юклади. Янгича фикрлаш, миллий қадриятларга ижобий муносабат, уларнинг умуминсоний қадриятлар тизимидаги ўрнини теран ҳис этиш имконини берди. Шу билан бир қаторда ўзликни англаб, ўтмишга холисона муносабатда бўлиш, яқин ўтмиш воқеаларини танқидий-таҳлилий нуқтаи-назардан идрок этиш ёшлар ижтимоий-маданий ва маънавий фаолиятининг ажралмас қисмига айланди.

Ижтимоий-тарихий тараққиётдан маълумки, жамиятни ҳаракатлантирувчи куч сифатида ёшлар мавжуд тизимнинг сифати ва ҳолатидан қатъи-назар ривожланаверади. Бундай ривожланишда ёшлар характерли хусусиятларида қайси жиҳатлар устуворлик қилиши тузумнинг гуманистик моҳиятига боғлиқ. Мустақилликнинг халқимиз ҳаётида муқаддаслиги ва мўътабарлиги шу билан белгиланадики, унда миллий тараққиёт манфаатларидан келиб чиқиб, ёшларнинг ўз-ўзини ривожлантириш имкониятларига кенгроқ эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, умуминсоний тараққиётга ҳисса қўшиш мақсадида жаҳон тажрибаларига таяниш, миллий фанимиз ютуғини тарғиб этиш билан бир қаторда бошқа халқлар ютуқларини ўрганиш кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Мустақиллик туфайли қарор топиб, инсонпарварлик мақсадларини амалга ошира бошлаган демократик жамият, собиқ тоталитар жамиятдан энг оддий ва энг асосий фарқи шундан иборатки, унда ёшлар ахлоқий тарбияси атеистик ғояларга сингдириш асосида олиб борилиб, сохта ва сунъий

қадриятлар тизимини тарғиб этиш бўлди. Бугунги кунда эса ёшлар ахлоқи дунёвий ва диний қадриятларнинг ижобий-маърифий қирраларини мужассам этган жиҳатлар уйғунлиги асосида шакллантирилиб, ривожлантирилаётганлиги қувонарлидир. Шундай экан, бугунги кунда ёшлар манфаатларини ифодаловчи, уларнинг ижтимоий фаоллик даражасини оширувчи, Ватан ва халқ келажаги учун масъуллик ҳиссини ривожлантирувчи таклиф ва тавсиялар муҳимдир.

Ижтимоий-демографик қатлам сифатида жамиятнинг социал тизимида ёшлар алоҳида ўрин тутиб, республикамиз аҳолисининг тўртдан бирини ўн олти ёшдан ўттиз ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. «Ўзбекистон каби аҳоли сонида ёшларнинг салмоғи юқори бўлган давлатларда ушбу гуруҳни атрофлича ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Статистик маълумотларга қараганда аҳолининг тўртдан бирини ёшлар ташкил қилади» [3; Б. 129]. Ушбу жиҳатлар муаммони тадқиқ этишнинг долзарблигини билдирувчи омил бўлиб, жамиятнинг ижтимоий тизимида ёшларнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Шундай экан ёшлар деганда нимани тушунамиз?!, - деган саволга жавоб излаш жоиздир.

Ижтимоий тараққиёт натижасида фан ривожланиб инсоният манфаатига хизмат қила бошлаган даврдан буён тараққиёт ривожига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш зарурий моҳият касб эта борди. Ёшлар тўғрисида ҳам кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилиб, турфа қарашлар илгари сурилган. «Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати»да: «Ёшлар – жамиятдаги ижтимоий-демографик гуруҳ, инсон умрининг муайян даврида яшаётган, етукликнинг қарор топиши, катталар оламига кириш ва унга мослашиш каби ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланадиган тушунчадир» [6; Б. 152]. Демак, ёшлик инсон умрининг муайян даврини қамраб олувчи ижтимоий жараён бўлиб, унда инсоннинг шахс сифатидаги етуклиги таъминланиб боради. Ушбу даврда инсон ижтимоийлашув жараёнларини бошидан кечириб боради. Жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ушбу даврда ёшларда ижтимоий фаоллик, меҳнат кўникмаси ва салоҳиятининг шаклланиши, маънавий-ахлоқий хусусиятлар ривожи юксалиб бораверади.

Ёшларга берилган яна бир таърифда: «Ёшлар – ёш хусусиятлари, ижтимоий ҳолатининг ўзига хослиги билан ажралиб турувчи ижтимоий-демографик гуруҳ», - дейилади [13; Б. 121]. Ёшлар ижтимоий ҳолатининг ўзига хослиги шу билан характерланадики:

1. Ёшларда билим олиш имкониятлари нисбатан кенгроқ;
2. Уларда касб танлаш имконияти чуқурроқ;

3. Ушбу даврда ёшлар бир неча гуруҳга бўлиниб кетади, чунончи, ўқувчи, талаба, шогирд, устоз, муайян соҳа ходими, оилали, бўйдоқ ва ҳ.к.

4. Ёшларнинг ёш ва имконият хусусиятларидан келиб чиқиб, ушбу даврда маънавий-ахлоқий қирралар ривожланиб, мустаҳкамланади.

Яна бир таърифда: «Ёшлар муҳим ижтимоий гуруҳ сифатида жамиятда ўзгаришлар индикатори бўлиб, жамият тараққиётининг потенциалини белгилайди» [5; Б. 138], - дейилади. Юқоридаги таърифлар ўрганилаётган муаммонинг у ёки бу томонларини қамраб олади, албатта. Бизнинг фикримизча: Ёшлар жисмоний ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан динамик ўсишда бўлиб, жамият тараққиётини таъминловчи потенциал куч сифатида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ва иқтисодий ҳолати ва дунёқараши шаклланиб, ривожланишда бўлган ижтимоий гуруҳдир.

Социология фанида ҳам жамиятнинг ижтимоий тизимида ёшлар потенциали ва ижтимоий эҳтиёжлари, ижтимоий-иқтисодий ва ёшдаги тафовутлари, жамиятдаги мавқеи каби жиҳатлари ўрганилади. «Социология фани ёшларни жамиятдаги ижтимоий ва руҳий ўзига хос ҳолатга эга бўлган йирик ижтимоий гуруҳ сифатида ўрганади. Бу ижтимоий ва руҳий ҳолатда уларнинг нафақат ёшдаги тафовутлари, балки ижтимоий-иқтисодий, шунингдек, ижтимоий-сиёсий мавқеи ҳам ўз ифодасини топади» [12; Б. 99]. Ёшларнинг жамиятда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мавқеи жамият аъзоларининг доимий диққат-эътиборида бўлиши лозим. Чунки, жисмоний ва маънавий жиҳатдан такомиллашиб бориш фақатгина ёшларга хос бўлган хусусият бўлиб, ушбу жиҳатларга эътибор қаратиш муҳимдир.

Ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантириш бугунги глобал тараққиёт шароитида зарурий бўлиб, эҳтимол тутилган ғоявий таҳдид ва хуружлар ушбу хусусиятнинг устуворлиги орқали бартараф этилади. Маълумки, ғоя муайян мақсадлар ҳосиласи сифатида жамият аъзолари фаолиятини йўналтирувчи маънавий-руҳий кучдир. Ғоя жамият аъзолари мақсадларини ифодалайди. Бундай мақсад умуммиллий даражада эътироф этилса миллий ғоя тарзида намоён бўлади. «Миллий ғоя – миллий онгни уйғотувчи, миллатнинг ўзлигини англатувчи, ўзига хосликка, менталитетга «қиёфа» бахш этувчи, миллий руҳият, ғурур, ифтихор, эътиқод ва масъуллик туйғуларини шакллантирувчи фикрдир» [10; Б. 24]. Демак, миллий ғоя миллатнинг ички маънавий-руҳий оламида мужассам бўлган орзу-мақсадлар ифодаси сифатида жамият тараққиётини белгиловчи стратегик йўналишдир. Яъни, «…миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини англашни ўзида мужассамлаштирган, унинг этноижтимоий бирлик сифатидаги туб манфаатлари ва мақсадларини

ифодалайдиган, тараққиётга хизмат қиладиган ғояга миллий ғоя дейилади» [11; Б. 15].

Яна бир назарий манбага эътибор қаратадиган бўлсак: «Ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр» [8; Б. 179]. Ғоя ижтимоий онгда вужудга келиб, йўналтирувчилик хусусиятига эга бўлган теран фикрлар мажмуи сифатида жамият аъзолари тафаккуридан ўрин олиб, кундалик фаолиятида намоён бўлади.

Иммунитет тушунчасига келсак, фалсафа қомусий луғатида ушбу тушунчага нисбатан кенгроқ ва тўлиқроқ таъриф берилиб, унинг ижтимоий-фалсафий атама сифатидаги моҳияти очилган. Жумладан, шундай дейилади: «Иммунитет – (лот. Immunitas – бирор бир нарсадан халос бўлиш, қутулиш) – организмнинг доимий ички барқарорлигини сақлаш, ўзини турли хусусиятларга эга таъсирлардан, ташқи инфекциялар кириб қолишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуаси» [13; Б. 160]. Бундай таъриф биз ўрганаётган муаммо доирасида масала моҳиятига яқинлашишда нисбатан конкрет моҳият касб этади. Бизнинг фикримизча ҳар қандай атама сиёсий моҳият касб этиши учун фалсафий тушунча сифатида эътироф этилиши, тушунчанинг фалсафий моҳияти талқин этилиши лозим. Фалсафа қомусий луғатида ушбу жиҳатлар нисбатан конкрет тарзда очиб берилган. Жумладан: «Инсон ўзининг бутун ҳаёти давомида ташқи таъсирга акс жавоб сифатида орттирган билим ва малакалари асосида иммунитет тизимини ўзида шакллантиради», - дейилади [13; Б. 160]. Ҳақиқатан ҳам инсон:

1. Ижтимоий-маънавий омиллар таъсири натижасида воқеълик ва кундалик ҳаётдаги ҳодисаларга нисбатан муносабати шакллана бориб, ахлоқий омилларни ўзида сингдира боради;

2. Инсон қалби ва тафаккурига сингдирилган ана шу маънавий-ахлоқий хусусиятлар шахсда иммунитет тизими сифатида қарор топади.

Бизнинг фикримизча иммунитет қадриятлар тизими сифатида:

1. Урф-одат ва анъаналаримизга ижобий муносабатда бўлиш ҳиссини ривожлантиради;

2. Моддий, маданий ва маънавий меросга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш жиҳатларини юксалтиради;

3. Юқорида таъкидланган жиҳатлар ёшларда Ватан равнақи ва халқ келажаги учун масъуллик хусусиятларини ҳам таъминлайдики, қадриятлар

тизимида ушбу жиҳатлар муҳим бўлган бугунги кунда зарурий омил сифатида эътиборлидир.

Иммунитет тушунчалари ҳамда ушбу тадқиқот мавзуси талаби доирасида ғоявий иммунитетга эътибор қаратадиган бўлсак, илмий-назарий адабиётларда қуйидагича таъриф берилган: «Мафкуравий иммунитет – (лотинча «Immunitatus» - бирор нарсадан озод этиш) – шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоялашга хизмат қилувчи тизим» [7; Б. 191]. Демак, шахсий иммунитет муайян киши руҳиятидаги барқарор маънавий-ахлоқий ҳолат, кўриниш бўлса, гап ғоявий ёки мафкуравий иммунитет ҳақида кетганда, у жамият аъзолари, жумладан ёшлар ички оламига хос бўлган маънавий-ахлоқий қадриятлар мажмуи сифатида тизимий моҳият касб этади. Шунингдек, «Мафкуравий иммунитет тизими маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакцион, бузғунчи характердаги ғоявий тажовузларга бардош бера оладиган ёшларни тарбиялашда қўл келади» [13; Б. 160]. Демак, мафкуравий иммунитет ва маънавий мерос асосидаги тарбия ўзаро алоқадор бўлган тушунча сифатида бир-бирини тақозо этади. Яъни, тарбия туфайли инсон шахс сифатида камол топиб, унда иммунитет шаклланиб, маънавий-ахлоқий омиллар таъсири натижасида ривожланиб борса, ўз навбатида иммунитет шахснинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади. «Шунингдек, тарихий тафаккурда маданий ёки маънавий меросга мансубликни ифодалашда ҳар бир ижтимоий-тарихий даврга хос бўлган йўналтирувчи ғоя зарурий аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида тафаккурда элпарварлик ва ватанпарварлик хислатлари ривожи бевосита ушбу омил билан боғлиқ» [9; Б. 102].

Ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантириш масаласи асосан, жамиятнинг социал тизимида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан динамик ўсишда бўлган гуруҳ вакилларига хос бўлиб, глобал тараққиётнинг айрим ҳолатлардаги реал хавфнинг мавжудлиги шароитида улар онги ва қалбида бундай таҳдидларга қарши кучли маънавий-ахлоқий мавқенинг барқарорлигини таъминлашдан иборатдир.

Умуман олганда жамиятнинг ижтимоий тизимида ёшлар ва ғоявий иммунитет масалаларининг назарий-методологик таҳлили мустақиллик шароитида миллий фанимизнинг ривожини таъминласа, иккинчи томондан ёшларнинг маънавий-ахлоқий мукаммаллигини, демократик-ҳуқуқий давлат шароитида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг концептуал жиҳатларини кўрсатувчи тадқиқот сифатида ҳам муҳимдир.

Фуқаролик жамияти шароитида ва бугунги глобаллашув жараёнида ёшлар маънавий-ахлоқий тарбияси ўзига хос ўрин тутиб, жамият социал тизимида етакчи қатлам бўлган ёшларнинг баркамол ривожи бевосита турфа таҳдидларга қарши улар онги ва қалбидаги ғоявий иммунитетнинг даражасига боғлиқ. Ғоявий иммунитет эса ёшлар маънавияти билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, меҳр-муҳаббатни юксалтириш асосида ривожлантирилади: «Муҳаббатга асосланган муносабатлар муаммоси ижтимоий ривожланиш, конструктив сўзлашув (диалог), ўзаро тушуниш ва ҳ.к.лар учун шарт шароитлар яратади ва инсоният цивилизацияси ривожланишининг фундаментал асосини ташкил қилади” [4; Б.].

Ана шу нуқтаи-назардан ёшлар тарбиясида улар ғоявий хавфсизлигига эътибор қаратиш миллий манфаатларнинг ривожида етакчи моҳият касб этиб, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий тараққиёт маънавияти юксак ва ғоявий жиҳатдан чиниққан ёшларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. «Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди», дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда» [1; Б. 504-505]. Ҳақиқатан ҳам тарбиянинг мукаммаллигини таъминлаб, ёшлар маънавиятини юксалтириш, шу асосларда ёшларда ғоявий иммунитетни мустаҳкамлаш ёшлар онги ва қалби учун кураш кетаётган бугунги кунда муҳим. Ёшлар онги ва қалбида бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, уларни Ватан ва халқ манфаати йўлида тарбиялаш фуқаролик жамияти институтлари шаклланаётган бугунги кунда муҳим. Бугунги кунда зиёлилар зиммасидаги асосий вазифа ёшларда миллий тафаккурни ривожлантириш билан бир қаторда уларда маънавий-ахлоқий мукаммалликни такомиллаштиришдир.

ХУЛОСА

Бугунги, янгиланаётган Ўзбекистон шароитида ёшлар ахлоқида позитив жиҳатлар ҳамда улар орасида миллий ва умуминсоний қадриятлар тарғибини, миллатлараро муносабат маданиятини тарғиб этиш зарур. Ушбу усуллар орқали ёшлар орасида умуминсоний цивилизацияга хос хусусиятларни, ватанпарварлик, фуқаровий бирлик каби хислатларни ривожлантириш лозим.

Шу сабабли, ушбу муаммо жамият аъзоларидан доимий диққат эътиборни тақозо этади. Зеро, ҳар қандай жамият истиқболи бевосита ёшлар ахлоқидаги ижобий хусусиятлар ривожига боғлиқдир.

Ёшлар ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида жамият ривожида етакчи ўринни эгаллаб, келажак тараққиётнинг асоси бугунги ёшларимизнинг жисмоний ва ақлий қобилияти билан бевосита боғлиқ экан, бугунги глобал тараққиёт шароитида ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантириш объектив зарурият сифатида майдонга чиқиб, келажакда жамият маънавияти бевосита ушбу омил билан узвий боғлиқдир.

REFERENCES

1. Mirziyoyev Sh. (2018) Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. – Toshkent: «O‘zbekiston», 2018. – B. 504-505.
2. Mirziyoyev Sh. (2018) Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. Tom 2. – Toshkent: «O‘zbekiston», 2018. – B. 491
3. Bo‘riyeva Z., Ibrohimov A. (1998) Yoshlarning demografik holati va oila //Ijtimoiy fikr. 1998. №2. – B. 129.
4. Gaffarova G.G., Abdullayeva M.N. (2020). Tasavvufning kognitiv tizimi zamonaviy falsafa prizmasida. Academic research in educational sciences. №3. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/tasavvufning-kognitiv-tizimi-zamonaviy-falsafa-prizmasida (дата обращения: 15.01.2021).
5. Latipova N. (2004) Molodyoj v sotsialnoy strukture Uzbekistanskogo obщestva // Ijtimoiy fikr – Inson huquqlari. 2004. №3. – S. 138.
6. Ma’naviyat: asosiy tushunchalar izohli lug‘ati (2009) /O‘zR Prezidenti huzuridagi DJQA, O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati; tahrir hay’ati: X. Sultonov va boshq.; tuzuvchi va mas’ul muharrir Q.Nazarov. – T.: G‘afur G‘ulom, 2009. – B. 152.
7. Milliy g‘oya: targ‘ibot texnologiyalari va atamalar lug‘ati. (2007) – T.: Akademiya, 2007. – B. 191.
8. Milliy istiqlol g‘oyasi: asosiy tushunchalar, tamoyillar va atamalar (qisqa izohli tajribaviy lug‘at). – (2002) T.: Yangi asr avlodi, 2002. – B. 179.
9. Nazarov N.A. (2020) O‘rxun-Yenisey yozuvlari mohiyatini talqin etishning ahamiyati //Ilim ham jamiyet: ilimiy-metodikaliq jurnal. Ajiniyaz atindag‘I Nokus mamlekettik Pedagogikaliq Instituti. – Nokis, 2020. -№4.– B. 102.
10. Otamuratov S. (2005) Milliy rivojlanish falsafasi. – T.: Akademiya, 2005. – B. 24.
11. Ochildiyev A. (2004) Milliy g‘oya va millatlararo munosabatlar. – T.: O‘zbekiston, 2004. – B. 15.

12. Sotsiologiya: Ma’ruzalar matni.(2000) Mas’ul muharrir: V.M.Karimova. – Toshkent, 2000. – B. 99.
13. Falsafa qomusiy lug‘at.(2004) Tuzuvchi va mas’ul muharrir f.f.d. Q.Nazarov. – T.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2004. – B. 121.
14. Gaffarova, G.G. (2019), Problems self-organization: philosophical analysis // Scientific Bulletin of Namangan State University. –T.1. –№5, - C.185-190.
15. Gaffarova G.G., Saydaliyeva N.Z., (2020). *"The influence of social networks on youth thinking and activity"*, JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, Volume 6, Issue 5, ISSN: 2581-4230, Page No. 105-108.